



« 05 » апрел 20 17й.

Наманган шаҳри 187 -сонли

**Наманган шаҳрида жисмоний шахсларга қаттиқ ва маиший
чиқиндиларни ташиб чиқариш бўйича санитар тозалов ҳизматини
кўрсатиш бўйича янги тарифларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 364-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 3 декабрдаги 315-сонли, “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 28 октябрдаги 239-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, Наманган шаҳар ҳокимлигининг 2017 йил 22 февралдаги 01/20-3933-сонли ва “Наманган Мусаффо иклим” МЧЖни 2016 йил 29 декабрдаги 94-сонли хатларини кўриб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993й., 9-сон, 320-модда)нинг 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Наманган шаҳрида жисмоний шахсларга қаттиқ ва маиший чиқиндиларни ташиб чиқариш бўйича санитар-тозалов ҳизматини чекланган тарифи ҳар бир кишига бир ойга 2 000 (икки минг) сўм этиб белгилансин.

2. Вилоят молия бошқармаси (Т.Юсупов), Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси (Д.Ботиров) ва вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Хақимов)ларга юқорида белгиланган тарифларнинг тўғри қўлланилиши устидан доимий назорат ўрнатиш топширилсин.

3. Наманган шаҳар ҳокими (Б.Бекходжаев), “Наманган Мусаффо иқлим” МЧЖ бошлиғи (Ф.Ибрагимов)ларга мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, ўн кун муддатда қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахслар билан тузилган шартномаларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

шаҳар ҳудудидаги уй-жой ва хонадонларда рўйхатда туриб ҳақиқатда яшамаётган ёки рўйхатдан ўтмасдан яшаётган шахсларга аниқлик киритиб, улар сонига мутаносиб равишда берилган МФЙ маълумотномалари асосида тўловлар ундирилишини ташкил этиш;

2017 йил 1 апрелдан бошлаб, бир ой муддатда ҳизмат кўрсатилаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги жисмоний шахсларни қайта хатловдан ўтказиш ва абонентлар базасини шакллантириш, МФЙ раислари билан келишилган ҳолда аҳоли хонадонларидан қаттиқ ва маиший чиқиндиларни ташиб чиқариш бўйича «Сигнал» тизимини жорий этиш;

чиқинди ташиш транспортларини ҳаракатланиши бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан транспортларнинг ҳаракатланиши устидан “он-лайн” режими асосида масофавий назорат (GPS) тизимини жорий этиш вазифалари топширилсин.

4. Мазкур қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Ушбу қарор вилоят ҳокимлигининг расмий веб сайтыга жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Т.Дадабаев зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Х. Бозаров